

**ЎЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
ЖОҚАРЫ ҲӘМ ОРТА АРНАЎЛЫ БИЛИМЛЕНДИРИЎ  
МИНИСТРЛИГИ**

**ӘЖИНИЯЗ АТЫНДАҒЫ  
НӨКИС МӘМЛЕКЕТЛИК ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИНСТИТУТЫ**

**«Жасларды кәсіпке бағдарлауда технологиялық тәлимнің  
әхмийети және оны раўажландырыўдың машқала хәм  
шешимлери» атамасындағы**

**Республикалық илимий-әмелий конференция**

**МАТЕРИАЛЛАРЫ**

**19-НОЯБРЬ 2021-ЖЫЛ**

**«Ёшларни касбга йўналтиришда технологик таълимнинг  
аҳамияти ва уни ривожлантиришнинг муаммо ва ечимлари»  
мавзусидаги**

**Республика илмий-амалий анжуман**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**19-НОЯБРЬ 2021 ЙИЛ**

**НӨКИС-2021**

**«Жасларды кәсіпке бағдарлауда технологиялық тәлимнің әхмийети және оны раўажландырыўдың машқала хәм шешимлери» атамасындағы Республикалық илимий-әмелий конференция материаллары топламы. Нөкис-2021-ж. 240-бет**

**«Жасларды кәсіпке бағдарлауда технологиялық тәлимнің әхмийети және оны раўажландырыўдың машқала хәм шешимлери» атамасындағы Республикалық илимий-әмелий конференция материалларына Республикамыздың жоқары хәм орта арнаўлы оқыў орынлары педагог-хызметкерлери, үлкен илимий хызметкер-излениўшилер, магистрантлар, студентлер хәм улыўма билим бериў мектеплери муғаллимлериниң илимий-изертлеў хәм тәлим-тәрбия мәселелерине арналған илимий баянатлары киргизилген.**

Конференция материалларының мазмуны хәм онда көрсетилген дереклердин дурыслылығына авторлар жуўапкер.

**Редколлегия қурамы:**

- |   |                       |  |
|---|-----------------------|--|
| 1 | <b>Б.П.Отемуратов</b> | -ректор, редколлегия баслығы   |
| 2 | <b>М.А.Жалелов</b>    | -илимий ислер хәм инновациялар бойынша проректор, редколлегия баслығы орынбасары |

***Редколлегия ағзалары:***

- |    |                           |   |
|----|---------------------------|---|
| 3  | <b>Б.К. Даўлетмуратов</b> | -технологиялық тәлим кафедрасы баслығы  |
| 4  | <b>Ө. Алеўов</b>          | -педагогика кафедрасы профессоры  |
| 5  | <b>А.А.Куйсинов</b>       | -Низамий атындағы ТМПУ «Профессионал таълим методикасы» кафедрасы профессоры  |
| 6  | <b>Ў. Қ. Толипов</b>      | -Низамий атындағы ТМПУ «Профессионал таълим методикасы» кафедрасы профессоры  |
| 7  | <b>Э.И.Рүзиев</b>         | - Ургениш мәмлекетлик университети «Технологиялық тәлим» кафедрасы профессоры |
| 8  | <b>Г.О.Эрназарова</b>     | -Шыршық мәмлекетлик университети «Улыўма педагогика» кафедрасы профессоры     |
| 9  | <b>А. Жумамуратов</b>     | -физика оқытыў методикасы кафедрасы профессоры                                |
| 10 | <b>М.Б.Тагаев</b>         | -Қарақалпақ мәмлекетлик университети «Физика» кафедрасы баслығы               |
| 11 | <b>А. Б. Камалов</b>      | -физика оқытыў методикасы кафедрасы баслығы                                   |
| 12 | <b>Б. Я. Явидов</b>       | -физика оқытыў методикасы кафедрасы доценти                                   |
| 13 | <b>Г.М. Анорқулова</b>    | -Низамий атындағы ТМПУ «Профессионал таълим методикасы» кафедрасы доценти     |
| 14 | <b>Т.Т. Утебаев</b>       | -улыўма педагогика хәм психология кафедрасы баслығы                           |
| 15 | <b>А.К.Пазылов</b>        | -педагогика кафедрасы баслығы   |
| 16 | <b>Г.Е.Қарлыбаева</b>     | - физика оқытыў методикасы кафедрасы доценти                                  |
| 17 | <b>Б. А.Ибрагимов</b>     | - технологиялық тәлим кафедрасы доценти                                       |
| 18 | <b>Б.Д.Авезов</b>         | - технологиялық тәлим кафедрасы доценти                                       |
| 19 | <b>Н. Т. Орынбетов</b>    | - технологиялық тәлим кафедрасы доценти                                       |
| 20 | <b>З. Джумағулов</b>      | - технологиялық тәлим кафедрасы доценти                                       |

## KIRIS SÓZ

Búgingi global ekonomikalıq ózgerisler sharayatında miynet bazarın zamanagóy talaplarǵa say kadrlar menen támiyinlew hár bir mámleket ushın áhmiyetli másele. Bul álbette jaslardı kásipke baǵdarlaw jumıslarınıń qay dárejede shólkemlestirilgenligine baylanıslı.

Respublikamızda texnologiya pánin oqıtıw bilimlendiriw procesine aldınıǵı shet el tájiriybelerin engiziw arqalı jetilistirilmekte, pán hám óndiristiń nátiyjeli integraciyasın támiyinlew, ulıwma bilim beriw mekteplerinde tálim sıpatın, oqıtıwshılardıń kásiplik metodikalıq tayarlıǵınıń nátiyjeliligin asırıwdıń normativ tiykarları jaratılmaqta hám de materiallıq texnikalıq bazası jaratılmaqta. Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2019-jıl 29-apreldegi «Ózbekstan Respublikası xalıq bilimlendiriw sistemasın 2030-jılǵa shekem rawajlandırıw haqqındaǵı koncepciyasın tastıyıqlaw haqqında»ǵı Pármanında keltirilgen qosımshalarda xalıq bilimlendiriw sistemasındaǵı házirgi jaǵday hám ushırasıp atırǵan mashqalalardı sheshiwdiń nátiyjeliligin arttırıw boyınsa kórsetpeler berilgen.

Tálim sistemasın aldınıǵı shet el tájiriybeleri tiykarında jetilistiriw, baslawısh, orta hám orta arnawlı professional tálim basqıshların engiziw arqalı tálim sistemasına STEAM dástúri boyınsha tálim beriw, miynet bazarı ushın tájiriybeli hám básekege shıdamlı kadrlar tayarlaw hám de bul proceske jumıs beriwshilerdi keń qamtıw maqsetinde: Ózbekstanda usı jıldan baslap birinshi milliy hám tarmaq qánigelesiw sisteması, kásip hám qánigelikler boyınsha professional standartlar hámde stratifikaciyanıń bilimlendiriw standartı engizilmekte. Bul bolsa, óz nábwetinde, miynet bazarı menen bilimlendiriw tarawı integraciyasın támiyinlewge xızmet qıladı.

Sońǵı jıllarda respublika ekonomikası tarawları jáne sociallıq tarawlardı innovciyalıq rawajlandırıw, ilim hám ilimiy jumıslardı hár tárepleme qollap-quwatlaw hám nátiyjeliligini asırıw boyınsha anıq maqsetke baǵdarlanǵan ilajlar ámelge asırılmaqta.

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2020-jıl 6-noyabrdegi “Ózbekstan jańa rawajlanıw dáwirinde bilimlendiriw, tárbiya hám ilimdi rawajlandırıw ilájları haqqında”ǵı PF-6108 Pármanı tiykarında 2020-2021-oqıw jılınan baslap «Kásipke baǵdarlaw sisteması» engizilip atır.

Sistemada tiykarınan 7-klass oqıwshıları ushın ayına bir ret «Kásipler álemine sayaxat» temasında arnawlı kurslar shólkemlestiriw, 8-klass oqıwshıları ushın hár sherekte keminde bir márte «Meniń keleshekтеgi kásibim» temasında seminar -treningler ótkeriw

arqalı oqıwshılardı kásiplerge baǵdarlaw, 9-klass oqıwshılarınıń kásiplik tayarlıǵı boyınsha psixologiyalıq-pedagogikalıq diagnostikalıq ótkerilgen nátiyjeleri tiykarında kásipler boyınsha kásip-óner mekteplerinde tálim alıwı múmkin bolǵan oqıwshılardı kásipke baǵdarlaw jumısların alıp barıw wazıypası tapsırılǵan.

Bul konferenciyaǵa usınıs etilgen ilimiy maqalalar hám tezisler, joqarı oqıw orınlarınıń professor-oqıtıwshıları, erkin ızleniwshileri, magistrant hám talaba jasları menen birgelikte ulıwma orta bilim beriw mektepleri oqıtıwshılarınıń jaslardı kásipke baǵdarlawdıń áhmiyetli máseleri boyınsha toplanǵan miynetlerinen ibarat.

Bul konferenciya, álbette jaslardı kásipke baǵdarlaw jumıslarınıń elede rawajlanıwına óziniń úlken úlesin qosadı. Sonı da atap ótiw kerek, bul konferenciya da mámleketti modernizaciyalaw sharayatında jaslardı kásipke baǵdarlaw, qánigeler tayarlawda kadrlar sapasın asırıw boyınsha alıp barılıp atırǵan ilimiy-izertlewler nátiyjeleri, pikirler hám usınısları kórip shıǵıladı. Konferenciya toplamı materialları jaslardı kásipke baǵdarlaw mashqalaların tereńirek úyreniw, ilimiy izertlew jumısların jáne de jetilistiriw hám rawajlandırıwǵa járdemlesedi.

Shólkemlestiriwshi komitet

келетуғын өз-ара хәрекетлер бирлигиниң нәтийжеси. Демек билим бериў барысында педагогтың инновациялық ис-хәрекетлериниң нәтийжесинде оқыўшыға берилетуғын билиминиң сапасының артып, жетилисип отыратуғыны мәлим.

Инновациялық ис-хәрекет тәлим-тәрбия тараўында жаңалықларды табыў, изертлеў, қолланыўға енгизиў, ис жүзинде пайдаланыў менен характерленеди. Болажақ педагоглардың инновациялық таярлықларын қәлиплестириў олардың жаңа педагогикалық технологияларды менгериўиниң дәслепки шәрти. Булардан тысқары инновациялық ис хәрекетлер оқытыўшы билим дәрежесиниң көтерилюйине жағдай туўғызады.

Хәзирги ўақытта билим бериў тараўында оқытыўдың жаңа технологияларын өзлестирмегенше билимли хәр тәрәплеме талапқа сай қәнийге болыў мүмкин емес. Педагогикалық инновацияны ийелеў болажақ қанийгениң кәсиплик дәрежесиниң артыўына, интеллектуаллық, руўхый адамгершилиқ қәбилетиниң қәлиплесиўине унамлы тәрәпин, өзин-өзи жетилистирип, келешекте билим бериў мекемелеринде тәлим тәрбия усылларың утымлы шөлкемлестире алыўына себин тийгизеди.

Заман талабына сай, турмыстан өз орнын таңлай алатуғын, еркин ойлаў қәбилетине ийе, қыйын жағдайлардан шығыў жолын табыўды билетуғын алдын ала истиң нәтийжесине болжам жасайтуғын, өзине-өзи сын көз бенен қарап, баха бере алатуғын, тапқырлық қәсийетке ийе, жаңа педагогикалық технологияларды сапалы менгерген, талантлы қәнийгени қәлиплестириўде педагогтағы инновациялық ис-хәрекетлердиң әхмийети оғада үлкен.

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА УЗВИЙЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ**

*О.А.Қўйсинов - Таълим сифатини назорат қилиши давлат инспекцияси бошлиғи  
ўринбосари, ТДПУ профессор в/б., педагогика фанлари доктори, (DSc)*

Бугун мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон – янги Ренессанс сари” шиори остида таълим соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таълим тўғрисидаги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, Мактабгача таълим тизимида 6-7 ёшли болалар учун стандарт жорий этилди, умумий ўрта таълим 11 йил этиб белгиланди, ўрта махсус таълим 3 йилдан 2 йилга туширилди, 2 йиллик касб-хунар мактаблари ташкил этилди. Олий таълим тизимида сиртқи, кечки, масофавий таълим шакллари жорий этилди. Кредит модул тизими жорий этилмоқда, олий таълим тизими қамрови ошиб, халқаро андозаларга яқинлашмоқда.

Таълим тизимида Нимани ўқитиш керак?, Қандай ўқитиш керак? ва Ким ўқитади? деган саволлар мазмунни ташкил этади. Биз ҳозирда дастлаб нимани ўқитиш керак? деган саволга жавоб беришимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Узок йиллардан буён Ўзбекистонда ушбу савол очиқроқ қолаётганлиги, таълим турлариаро интеграциянинг йўлга қўйилмаганлиги ҳамда таълим мазмуни узвийлиги бўйича чора-тадбирлар етарлича ишлаб чиқилмаганлиги ҳозирда ушбу муаммони долзарб жараёнга айлантирди.

Таълимнинг мазмунини ўқув дастурлари белгилар экан, уларнинг таълим турлари ўртасидаги боғлиқлиги, фанлараро, синф / курслараро узвий бўлиши таъминланиши муҳим. Таълимнинг барча босқичларида кенг кўламли ислохотлар бўлмоқда, бунда шаклан ўзгариш билан бирга сифатни таъминловчи мазмун ўзгаришини қилишимиз керак.

“Узлуксизлик” ва “узвийлик” терминлари ўзбек тилида кўп ҳолларда аралаш ишлатилади. Мазкур мақолада “узлуксиз” терминини кўпроқ шаклан таълим турлари

орасида боғловчи термин сифатида, “узвийлик” терминини эса кўпроқ мазмунга боғлиқ равишда ишлатишга ҳаракат қилдик.

Таълимда узлуксизлик - таълимнинг давомийлигини англатиб, мактабгача таълимдан тортиб, то олий таълимдан кейинги таълим турларигача давлат кафолати остида муайян касб, мутахассисликка эга бўлиши тушунилади. Узлуксиз таълим инсон умрининг муайян вақтига тўғри келади, уни тахминий ёш хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидаги турларда ифодалаш мумкин.

1. Мактабгача таълим ва тарбия;
2. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;
3. Професионал таълим;
4. Олий таълим;
5. Олий таълимдан кейинги таълим;
6. Кадрлар қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш;
7. Мактабдан ташқари таълим турлари ҳисобланади.

Таълим мазмуни узвийлиги - таълим бериш жараёнининг ҳар бир босқичи аввалгисининг негизида юзага келганлиги, унинг ички таркибини ва шароитини ташкил этганлиги сабабли барча босқичлар ўртасида ўзаро алоқа мавжуд бўлиб, нафақат шакл, балки мазмун жиҳатидан амалга оширилиши учун янги мавзуда такрорланишларнинг бўлмаслиги, мазмунан бир хил машқларнинг механик такрорланишларига йўл қўймаслик, аксинча, мавзунинг соддадан - мураккабга томон тамойили асосида ривожланиб боришига эришишдир.

Бу хусусида олимларимиз фикрлари турлича, хусусан 2020 йилда “Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриётида” чоп этилган “ИСЛОМ энциклопедиясида (43-бет) шундай сатрларни учратдик. “Қуръонда ҳарфлар, сўзлар ва оятлар бирлашиб, ўзига хос тарзда уйғунлашиб муайян яхлитликни ташкил этади. Айрим мусулмон олимлари Қуръон атамасининг келиб чиқишини қар-жамламоқ сўзи билан боғлашади. Ушбу талқинга кўра, Қуръон ўзидан олдинги китоблар мазмунини (ҳам) ўзида мужассам этгани, яъни жамлагани учун мазкур атама билан номланади. Шунингдек, Қуръон атамаси арабча қарина-туташ, яқин сўзининг кўплик шакли бўлган қароин сўзидан олинган бўлиб, ундаги ҳар бир оят кейингиси билан туташиб, яхлит уйғунлик касб этиб боради деган талқин ҳам учрайди”.

"Узлуксиз таълим" жумласининг келиб чиқишини узоқ ўтмишлардан топиш мумкин. Г.П.Зинченконинг фикрича, узлуксиз таълим муаммоси нафақат "тушунча" шаклида, балки “ғоя” кўринишида ҳам тушунилган. Бундан ташқари, у бу ғоянинг яратилишини Инжил, Қуръон, Талмуд билан боғлайди. Муаллиф, ярим тахмин, ярим фикр тарзида бу фикрни Афлотун ва Аристотел ифода этганини даъво қилади. Шу каби ёндашувлар Вольтер, Гёте, Каменский, Руссо ва бошқаларнинг гуманистик қарашларида ҳам ўз аксини топган [3].

Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар узлуксиз таълим тушунчаси 1968 йилда ЮНЕСКО ҳужжатларида П. Лангранд тақдим этган “Lifelong learning” (LLL) “Ҳаёт давомида таълим” концепцияга асосланган ҳолда пайдо бўлганлигини қайд этишади (7, 11). Бу гуманистик концепциянинг асосий мақсади — инсон бутун ҳаёти давомида ҳар томонлама ривожланиш учун барча шароитлар яратилиши керак, деган ғояга суянади.

Таълим соҳасидаги халқаро муносабатлар, халқаро конвенциялар, қўшма дастурлар таълимнинг барча босқичларида ҳам мазмунан янгиланишни, ўқув дастурларини модернизация қилишни талаб этмоқда.

Мухтарам Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон қарори иловасининг 4-бандида “Мақтабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим ўқув дастурларининг узвийлигини таъминлаш” топшириғи белгиланган.

Унга кўра Таълим инспекцияси ҳамда Мақтабгача таълим, Халқ таълим ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан узлуксиз таълим тизимида фан дастурларининг мазмун моҳияти, мавзуларнинг мантикий кетма-кетлиги ва узвийлигини таъминлаш ҳамда таълим олувчиларда шаклланиши зарур бўладиган билим, кўникма ва компетентликлар даражасини белгилаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида ўқув дастурлари узвийлигини таъминлаш босқичлари схемаси” ишлаб чиқилди ва қуйидаги вазифалар белгиланди:

- узлуксиз таълим тизими учун фанлар кесимида концепциялар ишлаб чиқиш;
- фанлар кесимида барча таълим турларида ўтиладиган мавзулар бўйича таҳлилий қиёсий жадваллар тайёрлаш;
- мақтабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари учун узвийлиги таъминланган ўқув дастурларини тайёрлаш;
- Хорижий тажрибаларни жумладан: Финляндия тажрибасини ўрганиш, узвийлик, узлуксизлик мантикий кетма-кетлик, изчиллик ва тизимлиликка эътибор бериш.

Вазифа юзасидан ўрганишлар натижасида фан дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашда қуйидаги бирламчи муаммоларни аниқладик:

- Узлуксиз таълим турлариаро фан хусусиятидан келиб чиққан холда объект ва субъект танлови ва мазмунида номуносивликлар мавжудлиги;
- Узлуксиз таълим турлариаро босқичларда мавзуларнинг айнан ёки мазмунан такрорланиши борлиги;
- Такрорланиш ва ортиқча вақт эвазига ўқитувчи ва ўқувчининг вақти бесамар сарфланиши;
- Таълим босқичларида айрим мавзуларга ортиқча вақт ажратилганлиги, назарий машғулотларга кўп вақт ажратилганлиги ва ҳ.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш ҳамда узлуксиз таълим тизимида ўқув дастурлари мазмунида узвийликни таъминлаш мақсадида Таълим инспекцияси Мақтабгача таълим, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда 22 та фанлардан таълимнинг барча босқичларидан 334 нафар тажрибали экспертларни жалб қилган ҳолда улар томонидан амалдаги ўқув дастурлари таҳлил қилинди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан узлуксиз таълим тизими учун концепциялар лойиҳалари ишлаб чиқилди, ўқув дастурлари билан бирга Таълим инспекцияси порталига (<http://www.uzviylik.tdi.uz>) жойлаштирилди. Концепция ва ўқув дастурлари лойиҳаларига 3 000 дан ортиқ таклиф ва муносабатлар билдирилди.

Мақтабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида узвийликни таъминлашга қаратилган концепцияларда ҳар бир таълим йўналишининг мавжуд муаммолари, шу фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, стратегияси, ўқув-методик таъминотини яратишдаги узвийлик, фанлараро интеграция, шу йўналишда кадр тайёрлаш, кутилаётган натижалар акс эттирилди. Маълум бир фаннинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш учун дидактик, илмий-методик, педагогик-психологик, эстетик, гигиеник талаблар белгилаб берилди.

Ҳар бир фаннинг мақсад ва вазифалари бугунги янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қилиши, таълим-илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига суянилиши, жамиятнинг барча жабҳаларидаги стратегик йўналишлар билан боғланишига эътибор

қаратилди. Масалан, табиий фанларнинг Концепцияси ва ўқув дастурларида саноатнинг бевосита ривожланишида ушбу йўналишдаги билимлар (генетик инженерия, биотехнология каби фанлар) ўз ўрнига эга эканлиги, энг янги кимё ёки биологик технологияларининг ривожланишидаги кечикиш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини пасайтириши, шунингдек, ўсиб бораётган геосиёсий рақобат шароитида унинг заифлигини ошириши мумкинлиги каби асослар киритилди.

Ўқув дастурларини таҳлил қилиш натижасида 22 та фандаги камчиликлар умумлашганда, такрорланган мавзулар сони МТМларда 30 та, мактабларда 268 та, касб-хунар мактабларида 171 тани, олий таълимда 126 тани, узвийлиги таъминланмаган мавзулар МТМда 72 тани, мактабда 134 тани, касб-хунар мактабларида 110 тани ва олий таълимда 78 тани, қисқартиришга тавсия этилаётган мавзулар мактаб ўқув дастурларида 184 тани, янги киритиш сўралаётган мавзулар сони умумий ўрта таълимда 601 тани, олий таълимда 173 тани, халқаро тадқиқотларга боғлаш лозим бўлган мавзулар мактаблар учун 277 тани, бошқа таълим турига ўтказилиши лозим бўлган мавзулар профессионал таълимда 40 тани ташкил этиши кузатилди.

Ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёни Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мувофиқлаштириб борилди. Ишчи гуруҳ аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида бир неча марта онлайн ва офлайн кўринишда йиғилишлар ўтказилди. Узлуксиз таълимнинг ўқув дастурлари лойиҳалари қуйидаги таркибда тайёрланди:

Узлуксиз таълим тизимида фан тизимини такомиллаштириш концепцияси; Мактабгача таълим тизими учун 6-7 ёшли болаларни мактабга тайёрлашга мўлжалланган “Илк қадам” ва “Илм йўли” вариатив дастурлари; Умумий ўрта таълим мактаблари учун “Миллий ўқув дастурлари” (МЎД); Академик лицейлар учун ўқув дастурлар (АЛЎД); Касб-хунар мактаблари учун ўқув дастурлар (КХМЎД); Олий таълим муассасалари учун ўқув дастурлари (ОТЎД).

Бу борада **Финляндия тажрибаси** ҳам ўрганилмоқда. Финляндиянинг Ўзбекистондаги консуллик ҳамкорлигида 10 дан ортиқ семинар вебинарлар ташкил этилди. Илкка Тайпале муаллифлигидаги «Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси» номли ўзбек тилидаги қўлланмасига эга бўлди. Финляндия умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари (604 саҳифа) топилиб, ўзбек тилига таржима қилинди, фанлар бўйича ишчи гуруҳ аъзоларига тарқатилди. Финляндия таълим сифатини баҳолаш маркази директори, профессор Ристо Хотулайнен билан 3 марта, Хельсинки университети профессори Яри Лавонен билан 4 марта видеомулоқотлар ўтказилди.

Финляндияда бугунги кунда 5,5 млн. аҳоли истиқомат қилади, мавжуд 2341 та мактабда 560 минг нафар ўқувчи таҳсил олади. Барча мактаб бир хил мавқега эга, ўқувчилар уйлари яқинидаги мактабга боришади. Фин мактабларида бошланғич таълим 6 йил, умумий ўрта таълим 3 йил давом этади. 9-синф битирувчилари ўқишни таълимнинг кейинги босқичи лицей ва касб-техника мактабларида давом эттиради. Лицейлар худди Ўзбекистондаги сингари ОТМларга боғланган, у ерда ўқиш 3 йил давом этади. Касб-техника мактабларида эса ўқиш 2-3 йил давом этади.

Финляндия мактабларида ўқув жараёни учун мажбурий ўқув дастурлари "Асосий таълим тўғрисида"ги қонун ва ҳукумат қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилади. Ўзбекистондаги тартибдан фарқли равишда Финляндияда асосий таянч ўқув режа ва дастур асосида маҳаллий ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва амалиётга



жорий этилади. Маҳаллий ўқув дастури мактаб фаолиятининг асосий ўқув мазмунини белгилаб беради ҳамда у стратегик йўналиш ҳисобланади.

Ўқув дастурини тайёрлашда дарс машғулотларини ўтиш предметли ёки интеграл бўлиши мумкин. Бизнинг ўқув дастурлардан фарқли яна бир жиҳат – бу интеграл таълим. Бунда бир мавзу маълум вақт (соат, кун, ҳафта) давомида бир нечта фан орқали ўқитилади. Масалан, “Ватан” мавзуси, она тили, адабиёт, чет тилида тил ва тарбия нуқтаи назаридан, география, тарих фанларида жойлашиши ва ўтмиши, математика, иқтисодда мамлакатнинг реал даромадлари, рақамлар билан боғлиқ жиҳатлари, табиий фанлар ўз йўналишидаги масалалар доирасида каби ... Ҳар қандай ҳолатда мактаб сифатли таълим беришни кафолатлайди.

Маълумки, таълим жараёни - нимани ўқитамиз (ўқув дастури), қанча ҳажмда ўқитамиз (ўқув режа), қандай ўқитамиз (методика), ким ўқитади (кадр)? каби саволларга жавоб топиш орқали ташкил этилади. Шундан қанча ҳажмда ўқитамиз деган саволга Финляндия мактабларининг ўқув режаси билан қизиқдик. Финляндия мактабларининг ўқув режасига кўра 9 йиллик ҳафталик умумий юклама **233 соатни** ташкил қилади, мажбурий 224 ва факультатив 9 соат. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 1-9 синфларда **246 соатни** ташкил этади. (+10-11 синфлар учун 68 соат)

#### **Мактабгача таълим тизимида**

Узвийлик бўйича вазирликлараро ҳамкорликнинг дастлабки кунлариданоқ мактабгача таълим мазмуни ҳужжатлари бошланғич синф билан боғланишига эътибор қаратилди. Жараёнда ЮНИСЕФ халқаро болалар фонди мутахассислари иштирокида, Эстония, Финляндия, Жанубий Корея, Польша давлатларининг тажрибаси ўрганилган.

2020 йил 22 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 802-сонли қарори билан «Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим стандарти» тасдиқланди. Унинг таркибий қисмида мактабгача таълимнинг намунавий ўқув режаси, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастурлари ҳам ўрин олган. «Илк қадам» ўқув дастурига қўшимча равишда 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш учун «Илм йўли» вариатив дастур ишлаб чиқилган ва у болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий – ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, болаларни 1 йил давомида мактабга тайёрлашга қаратилади. Мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенциялари қуйидагилардан иборат:

**коммуникатив компетенция** - мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси;

**ўйин компетенцияси** - боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиши. Ўқув-тарбиявий фаолият учун асос ҳисобланади;

**ижтимоий компетенция** - ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тутиш маҳорати;

**билиш компетенцияси** - атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш.

**Боланинг ривожланиш соҳалари** қуйидагилар:

- 1.Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;
- 2.Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- 3.Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;

4. Билиш жараёнининг ривожланиши;

5. Ижодий ривожланиш.

Тарбияланувчилар томонидан дастурлар сифатли ўзлаштирилиши ва таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида мазкур Давлат талаблари асосида замонавий ўқув-методик мажмуалар, дидактик ва кўргазмали ўқув материаллар, шунингдек, бошқа таълим ресурслари босқичма-босқич яратилиб, ўрнатилган тартибда жойларга етказилади.

#### **Умумий ўрта таълим тизимида**

Муҳтарам Президентимиз Янги ренессанс мактаб оstonасидан бошланишини белгилаб бердилар. Бу бежизга эмас, инсон агар бутун умри давомида таълим олган тақдирда ҳам энг асосий ва катта қисмини мактаб парталарида эгаллайди. Узвийлиги таъминланаётган умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурлари (МЎД) 22 та фандан ишлаб чиқилиб, бунда қуйидагиларга эътибор қаратилди:

бошланғич таълимни Мактабгача таълим тизими билан боғлаш, ўқувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, кўникма ва малакалар асосларини шакллантириш;

таянч ўрта таълим учун ўқувчиларга билим, кўникма ва малакаларнинг зарурий ҳажмини бериш, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш;

ўрта таълим учун ўқувчилар томонидан зарур билим, кўникма ва малакалар ўзлаштирилиши, таълимнинг кейинги тури танланиши ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касбларни эгаллаш.

Умумий ўрта таълим Миллий ўқув дастурини ишлаб чиқиш учун 22 та фандан ижодий ишчи гуруҳлар ишлади. Таълим инспекцияси ва Халқ таълими вазирлиги ўртасида кўшма буйруқ қабул қилинди. Республика таълим маркази ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда (халқаро эксперт Метью Голди-Скот)да Сингапур, АҚШ, Англия (Кембридж), Корея, Япония, Гонконг дастурлари, Президент мактаблари билан Кембридж тажрибаси, ўқув дастурлари ва дарсликларини ўрганишди. Миллий ўқув дастурининг асосий янгиликлари у 9 йил эмас, 11 йиллик таълимга мўлжалланганлигида бўлиб дастурнинг мақсади ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш, таълим контентида амалий кўникмаларни, компетенцияларни ривожлантириш, назарий билимларни 90% дан 50%га камайтиришдан иборат.

Ўқитиш методикаси чизиқли ўқитиш - ёдлатишдан - спиралсимон, 21 аср кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Дидактик таъминоти илгари фақат чет тилларидан мажмуа шаклида бўлган бўлса, энди барча фанлардан дарслик, иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиа иловалардан иборат бўлиши режалаштирилди.

Халқ таълими вазирининг 2020 йил 9 декабрдаги 297-сон буйруғи билан умумий ўрта таълим мактабларининг таянч ўқув режаси оптималаштирилиб, тасдиқланган, вариатив ўқув режаларга ҳам имконият яратилмоқда. 11 йил учун ўқув юклама 11 504 соатдан 10655 соатга (- 849) туширилган. Олдинги йилдан фарқли равишда, таълим ўзбек тилидаги мактаблар учун алоҳида, таълим рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун алоҳида ўқув режа тасдиқланиб, давлат тили сиёсати устунлиги таъминланди. Миллий ўқув дастурларида ўқувчиларга қўйиладиган малака талаблари синфлар кесимида ишлаб чиқилган, бунда синфлар ва фанлараро интеграция масалаларига эътибор қаратилмоқда, олдинги ўқув дастурларида малака талаблари бошланғич, 4-синф ва 9-синф битирувчиларга нисбатан белгилаб берилган эди.

**Бошланғич профессионал таълим** касб-хунар мактабларида ўқитилиши кўзда тутилади. У халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ҳисобланади. Касб-хунар мактабларида тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида берилади, улар учун умумтаълим ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Касб-хунар мактабларида умумтаълим фанларининг соатлари 10 - 11 синфларга қараганда 40% га кам. Жорий ўқув йилида уларда 2018, 2019 йилларда 10 - 11 синфлар учун чоп этилган умумтаълим фанлари дарсликлардан фойдаланилмоқда, чунки бу дарсликлар 5 йилга мўлжаллаб нашр қилинган. Албатта, соатлар ҳажмининг камлиги муносабати билан қайсидир мавзулар ўқитилмасдан қолади. Касб-хунар мактабларида 14 та умумтаълим фанлари касблар билан интеграциялашган ҳолда ўқитиш режаси мавжуд, шу асосида интеграллашган ўқув дастурлари яратиш ишлари давом этиши лозим.

**Ўрта махсус таълим академик лицейларда** тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида берилади ва у ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятлари жадал ривожланиши, чуқур, табақалаштирилган ва шахсга йўналтирилган таълим олишга қаратилган. Ушбу тоифа билим олувчилар учун ҳам ўқув дастурлари узвийлиги устида ишчи гуруҳлар иш олиб боришмоқда. Академик лицейларда жами 2 йиллик юклама 3991 соат бўлса, шундан 2148 соат умумтаълим фанларига, 1434 соати чуқурлаштирилган фанларга, 205 соати унификация қилинган фанларга, 102 соати касбий фанларга ва 102 соати давлат аттестацияси учун кўзда тутилган. Мазкур ўқув режа соатлари ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 1 мартдаги 109-сонли буйруғи билан “Ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандарти” таркибида, янгиланган малака талаблари билан бирга тасдиқланди ва янги вазифалар белгилаб олинди.

**Бакалаврият** йўналишлари учун барча тегишли фанлардан умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурлари билан узвийлиги таъминланадиган олий таълимнинг ўқув дастурлари янгиланиш устида ишланмоқда. **Магистратура** мутахассисликлари учун олий таълим ўқув дастурлари такомиллаштирилади.

Олий таълим тизимининг фан дастурларини умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурлари билан боғлаш учун 1 та педагогика йўналиши танланиб, унда 110 та фан дастурлари яъни таянч Олий таълим муассасаси сифатида Низомий номидаги ТДПУ дан 93 та фан дастурлари, чет тиллари бўйича Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан 6 та, она тили ва адабиёти бўйича Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУдан 11 та фан дастурлари таҳлилга яъни узвийликни таъминлаш учун қайта ишлашга тортилди.

Ҳар бир вазирлик тизимидаги ишларга тўхталдик, энди уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вазирликлар ва экспертлар била бирга амалга оширган ишлари хусусида тўхталамиз.

Фан дастурлари узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашнинг 10 та босқичлари ишлаб чиқилди. Қуйида математика фани мисолида амалга оширилаётган ишларга тўхталамиз.

<b>Мақсад</b>	Узлуксиз таълим тизимида математика фани узвийлигини таъминлаган ҳолда таълим дастури мажмуасини тайёрлаш
1-босқич	Ишчи гуруҳ шакллантирилди. Мавжуд ўқув дастурлари таҳлил қилинди
2-босқич	Узлуксиз таълим тизимида математика фанини такомиллаштириш к концепцияси ишлаб чиқилди
3-босқич	Концепция таълим инспекцияси сайтидаги uzviylik.tdi.uz муҳокама порталига жойлаштирилди. 100 дан ортиқ таклифлар билдирилди
4-босқич	Математика фанидан мавжуд ўқув дастурлари қиёсий жадваллар асосида таҳлил қилинди. Такрорланган мавзулар 9 та, узвийлиги таъминланмаган мавзулар 29 та, янгиланиши зарур мавзулар 94 та, олиб ташланадиган мавзулар 43 та, бошқа таълим турига ўтказиладигани 20 та эканлиги аниқланди ва дастурлар тўғриланди
5-босқич	Ўқув дастурлари таълим инспекцияси сайтидаги uzviylik.tdi.uz муҳокама порталига жойлаштирилди. 150 дан ортиқ таклифлар билдирилди
6-босқич	Ўқув дастурлари ва концепция республикадаги илмий ва таълим муассасаларига экспертизага жўнатилди. Дастурлар бўйича жами жами 97 та (6 та МТМ, 69 та мактаб бўйича, АЛ 6 та, КХМ 5 та, 11 та та ОТМлар) камчилик ва таклифлар аниқланиб, улар тегишли вазирликларга тақдим этилди. Улардан 49 таси дастур мазмунига киритилди. 38 таси асослантилди.
7-босқич	Концепция ва ўқув дастурлари вазирликдаги методист ва масъуллар томонидан таҳрирланди ҳамда ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон. Ўқув дастурлари ва концепция умумий мажмуа ҳолатига олиб келинди
8-босқич	Узлуксиз таълим тизимида математика фани ўқув дастурлари мажмуаси нуфузли мутахассис олимлар томонидан таҳлил қилинди ва тақриزلанди. Фанлар академияси Математика институти олимлари томонидан экспертиза хулосалари яна бир бор таҳлил қилиниб, камчиликлар бартараф этиш чоралари кўрилди
9-босқич	Мажмуа инглиз тилига таржима қилинади
10-босқич	Мажмуа хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилади ва вазирликлар томонидан тасдиқланади
Натижа	Узлуксиз таълимда ўқув дастурлари (математика) таълим жараёнига босқичма-босқич татбиқ этилади.

Амалга оширилган ишларга кенроқ тўхталсак, 22 та фан бўйича концепциялар ва янгиланаётган ўқув дастурлари лойиҳалари 65 та илмий, таълим ташкилотлари ва идораларга жумладан, Фанлар академияси қошидаги 7 та институтга (*математика, физика-астрономия, кимё, биология, тарих, санъатишунослик*) 14 та олий таълим муассасаларига, 14 та халқ таълими бошқармалари ва 4 та вазирлик (*Адлия, Мудофаа, Маданият, Жисмоний тарбия ва спорт*), Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар агентлиги каби ҳар бир соҳанинг эгаларига экспертизага берилди.

Андижон, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Жиззах вилоятларида ОТМларда, ФА қошидаги тарих институти, Математика институти ҳамда Ал-Хоразмий номидаги ТАТУга бориб академиклар, олимлар, ўқитувчилардан ташкил топган Ишчи гуруҳлар билан муҳокамалар ўтказилди, вазифалар белгилаб олинди.

Жойлардан олинган катта ҳажмдаги экспертиза хулосалари Таълим инспекцияси томонидан умумлаштирилди ва Мактабгача таълим вазирлигига (17 бет), Халқ таълими вазирлигига (128 бет) ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига (79 бет) расман қайта ишлаш учун жўнатилди.

Мазкур экспертиза хулосалари асосида вазирликлардаги ишчи гуруҳлар Концепция ва ўқув дастурларини такомиллаштириш ишларини амалга оширишди. Экспертиза натижаларига жавобан Таълим инспекциясида Халқ таълими вазирлиги масъуллари, Мактабгача таълими тизими вакиллари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, унда экспертиза хулосалари ва галдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Таълим инспекцияси томонидан 22 та фандан Халқ таълими вазирлигига тақдим этилган 855 та камчилик ва таклифлардан 372 таси қабул қилинган, 370 таси қабул қилинмаган, 113 таси инобатга олинмаган. Йиғилишда шу каби таклиф ва камчиликлар фанлар кесимида таҳлил қилинди ва мутасадди вакиллардан сабаби сўралди.

**Натижада, мактабгача таълимнинг “Илк қадам” ва бошланғич синфлар ўқув дастури ўртасида узвийликни таъминлаш мақсадида қуйидагилар амалга оширилди:**

-МТМдаги 16 та нутқий мавзунинг 10 таси 1-синф она тили фанига ўтказилди;

-ижтимоий - ҳиссий ривожланиш йўналиши бўйича 11 та мавзуси 1-синф «Тарбия» фанида 17 соат ҳажмда чуқурлаштирилиб ўқитилиши белгиланди;

-1-синф математика ўқув дастурига 15 та мавзу киритилди, масалан, “ярим”, “чорак”, “нимчорак” (саккиздан бир), вақтнинг энг кичик бирликлари — “секунд” ва “минут” ҳақида тушунчалар, 10 ичида математик амал бажариш, геометрик шакллар ва бошқа;

-1-синф Табиий фанларда 14 та мавзу “Илк қадам”нинг мантиқий давоми сифатида киритилди;

- Тасвирий санъат-6 та, Мусиқа -5 та, Технология-5 та, Жисмоний тарбия- 20 та, амалий фанлар бўйича жами 26 та мавзу 1-синф билан узвийлаштирилди.

Бирламчи хулосалар сифатида бугунга қадар умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларида 517 та мавзу такомиллаштирилиши, 152 та мавзунинг узвийлиги таъминланиши, 332 та мавзу халқаро тадқиқотларга мослаштирилиши ва 94 мавзу бошқа таълим турига ўтказилаётганлиги шунингдек, ўқув дастурларни жорий этиш учун тажриба синов ўтказилиши, Халқ таълими тизимида бу ўзгаришлар бу йил 1-2 синфларда акс эттирилиши каби маълумотлар тақдимотларда қайд этилди.

Таълим инспекциясида шунингдек, Олий таълим муассасалари, Касб-хунар мактаблари ва Академик лицейлар ўқув дастурларига бағишланган муҳокамалар ўтказилди. Унда Низомий номидаги ТДПУ томонидан янгиланган 93 та ўқув дастурга жойлардан 509 та камчилик ва таклифлар берилганлиги, шундан 247 таси дастур муаллифлари томонидан қабул қилинган бўлса, 267 таси қабул қилинмаганлиги ва 6 таси жавобсиз қолганлиги қайд этилди ва сабаблари сўралди. Шунингдек, ЎзДЖТУ (6 та) ва А.Навоий номидаги ТДТАУ (6 та) ўқув дастурлари ҳам танқидий руҳда муҳокама қилинди.

Олий таълимнинг ўқув дастурларига умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурларидан она тили фанидан 40 та мавзу, математикадан 10 та, физикадан 13 та, кимёдан 8 та мавзу, биологиядан 6 та, географиядан 10 та, информатикадан 7 та мавзу ўтказилиши маълум қилинди.

Узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш натижасида фанлар кесимида мавзулар соддадан — мураккабга томон тамойили асосида шакллантирилади, халқаро

тадқиқотлар фан дастурларига киритилади, мавзулар такрорланиши бартараф этилади, амалий машғулотлар ҳажми кўпайтирилади. Мантиқий фикрлаш ва қизиқиш ўсади, компетенциялар ривожланади, халқаро тадқиқотларга тайёргарлик такомиллаштирилади, таълим олувчи ва берувчилар учун ўзаро интеграциялашган педагогик-методик муҳит шаклланади. Узлуксиз таълим турлариаро меъёрий ҳужжатлар тизимлаштирилади, фанлар мазмуни изчиллигига эришилади, таълим жараёни инновацион тарзда мувофиқлаштирилади.

Амалга оширилган ишлар ҳамда хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида бугунга қадар масалан, биргина умумий ўрта таълимнинг миллий ўқув дастурларида 517 та мавзу такомиллаштирилди, 152 та мавзунинг узвийлиги таъминланди, 332 та мавзу халқаро тадқиқотларга мослаштирилди ва 94 мавзу бошқа таълим турларига ўтказилди.

Яқуний натижа сифатида 22 та фан кесимида “Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий ўқув дастурлари” номли мажмуалар ишлаб чиқилади ва таълим жараёнига татбиқ этилади. Узлуксиз таълим Миллий ўқув дастурлари мажмуасида таркиби:

1. 22 та фан кесимида узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш концепциялари;

2. Мактабгача таълим тизимида 6-7 ёшли болаларни мактабга тайёрлашга мўлжалланган “Илк қадам” ва “Илм йўли” вариатив дастурлари;

3. Умумий ўрта таълим мактаблари учун “Миллий ўқув дастурлари”;

4. Академик лицейлар учун ўқув дастурлар;

5. Касб-ҳунар мактаблари учун ўқув дастурлар;

6. Олий таълим муассасалари учун ўқув дастурлари шакллантирилади.

Юқорида амалга оширилган ишлар хусусида гапирган бўлсак, галдаги вазифаларимиз билан ҳам ўртоқлашмоқчимиз.

✓ Узлуксиз таълим тизими учун концепциялар лойиҳаларини яна бир бор тўлдириб, 3 та вазирлик ва Таълим инспекцияси томонидан бирга тасдиқлаш;

✓ Ҳар бир вазирлик томонидан ўқув дастурларини билдирилган таклифлар асосида таҳрир қилиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаб ижрога йўналтириш;

✓ ПҚ-4884 да 2021 йил 1 августга қадар болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш ҳамда бошланғич таълим ўқув дастурларининг узвийлигини таъминлаш вазифаси қўйилган. Дастурлар асосида ўқув-методик мажмуаларни яратиш, чоп этиш ва янги ўқув йили бошлангунга қадар жойларга етказиш ва кадрларни ўқитиш масаласига эътиборни қаратиш;

✓ Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурлари ва 1-2 синф дарсликлари лойиҳасини апрел-май ойларида қисман ва 2021-2022 ўқув йилида давомида тажриба-синовдан муваффақиятли ўтказиш. Бунинг учун, дастурлар, дарсликлар лойиҳаларини кўпайтириш, тажриба синов ўтувчи ўқитувчиларни ўқитиш, янги методикалар хусусиятини тушунтириш лозим, ҳар бир ишда илмий ёндашувни таъминлаш мақсадида жараёнга амалиётчи ўқитувчилар ёнига олимлар, методистларни бириктириш лозим, тажриба синов натижаларини реал таҳлил қилиш ва адашмаслик керак.

✓ 2021 – 2022 ўқув йилидан бошлаб янги Миллий ўқув дастури ва дарсликлардан фойдаланиб, 1-2 синфларда дарс берадиган барча ўқитувчи ва методистларни махсус курсда ўқитишни сифатли ташкил этиш этиш, жараёнга олимлар, тажрибали тренер ўқитувчилар, маҳаллий ва халқаро экспертларни жалб қилиш;

✓ Умумтаълим мактаблари 10-11-синфлари учун 2021/2022 ўқув йилида фойдаланиладиган дастурлар асосида Касб -хунар мактабларида умумтаълим фанларини ўқитишни йўлга қўйиш, дарсликларни ХТВдан олиш, ижара тизими асосида касб-хунар мактабларини таъминлаш.

✓ Академик лицейлар учун тасдиқланган “Ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандарти” ва малака талабларининг мазмун моҳиятини 2021-2022 ўқув йилида дарс берадиган ўқитувчиларга етказиш, улар асосида ўқув методик таъминотни амалга ошириш;

✓ Олий педагогик таълим йўналишида 110 та фан дастурлари модернизация қилинди, кредит – модуль тизимига мослаштириб, эксперт хулосалари асосида камчиликлари бартараф этилмоқда, бу жараён шундай қолиб кетмаслиги керак, янги ўқув йили олдидан Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бу ўзгаришларни инобатга олган ҳолда фан дастурларини тасдиқлаши, улар асосида ўқув жараёнини ташкил этилишини назоратга олишлари лозим. ОТМлар ишлаб чиқариш, амалиёт билан боғлиқлигига эътиборни кучайтириш лозим.

✓ Малака ошириш институтларида янгиланган ўқув дастурларини тажриба синовдан ўтказиш, Кадрларни қайта тайёрлаш ва Кадрлар малакасини ошириш жараёнида ўқитувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгиланган борилишида модернизация қилинган ўқув дастурларининг мазмун моҳияти, уларни ўқитиш методикаларини ўқитиш;

✓ Таянч докторантура фалсафа доктори (PhD) ва докторантура фан доктори (DSc) илмий даражасига даъвогар изланувчиларнинг илмий тадқиқот мавзулари «Узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлаш, ўқувчи ва талабаларда шаклланиши зарур бўладиган билим, кўникма ва компетенциялар даражасини белгилаш»га йўналтириш;

✓ Илмий фаолият – “учинчи Ренессанс Ўзбекистон мактабларидан бошланади” шиори остида амалга оширилади, илм-фан ўқувчи ва талабаларда XXI–аср кўникмаларининг шаклланишига, таълим тараққиётига хизмат қилишга йўналтириш;

✓ Инновация вазирлигининг лойиҳаларини Узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлашга йўналтириш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар узвий ўқув дастурларни ишлаб чиқишга, улар асосида дарслик, қўлланма, методикалар, виртуал лабораторияларни яратишда, уларни тажриба синовдан ўтказиш ва амалиётга татбиқ этишга қўмаклашиши мақсада мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, янги Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида узвийликни таъминлашнинг аҳамияти шундаки, у эртанги кун эгалари баркамол шахс бўлиб ривожланиши, рақобатбардош муҳитда ўз ўрнини топа оладиган, мантикий фикрлай оладиган, XXI аср амалий компетенцияларига эга бўладиган ёшларга сифатли таълим ва тарбия бериш тизимини яратишга ҳисса бўлиб қўшилади, деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сон қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6  
апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини  
тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22  
декабрдаги “Мақтабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти”ни тасдиқлаш  
тўғрисидаги 802-сонли қарори;
5. “ИСЛОМ энциклопедияси, “Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти”,  
Тошкент -2020 й, 43-бет.
6. Зинченко Г.П. Предпосылки становления теории непрерывного образования//  
Сов.педагогика, 1991. N 1.
7. Константиновский Д. Л. Социально-гуманитарное образование: ориентации,  
практики, ресурсы совершенствования / [Вознесенская Е.Д., Дымарская О.Я.,  
Чередниченко Г.А.]. — Москва: ЦСП, 2006. — 264 с.
8. Калининкова Н. Г. Непрерывное педагогическое образование как парадигма//  
Знание. Понимание. Умение, 2005. — №3. — С. 186–189.
9. Арнаутов В. В., Сергеев Н. К. История и современное состояние непрерывного  
педагогического образования // Преподаватель. 2001. — № 2. — С. 4–11.
10. Бегимкулов У. Ш. Некоторые аспекты системы непрерывного образования  
Республики Узбекистан. — Ташкент. 2010. — 142 с.
11. Войтович И. К. Иностранные языки в контексте непрерывного образования:  
монография / под ред. Т. И. Зелениной. — Ижевск: Изд-во «Удмуртский  
университет», 2012. — 212 с.
12. Насиров А.А. Ўзбекистонда болаларга чет тилларини ўргатиш қандай амалга  
оширилмоқда?//Ўзбекистонда хорижий тиллар, илмий-методик электрон журнал. —  
Тошкент, 2015. № 1
13. Насиров А.А. Ўзбекистонда болаларга чет тилларини ўргатиш қандай амалга  
оширилмоқда?//Ўзбекистонда хорижий тиллар, илмий-методик электрон журнал. —  
Тошкент, 2015. № 1.
14. M.Inoyatova, A.Nosirov va.b. Boshlang'ich ta'lim sifatini oshirishda zamonaviy  
pedagogik va avborot texnologiyalarni qollash // Ingliz tili, alifbe, ona tili, matematika va  
tabiatshunoslik oquv fanlari misolida qollanma. –Toshkent, OzPFITI nashriyoti.2014.168 b.
15. Ш.Халилова, А.Носиров ва б. Бошланғич синфларда чет тилини ўқитишнинг  
психологик асослари ва самарали технологиялари // Қўлланма. –Тошкент, OzPFITI  
nashriyoti. 2015. 153 бет.
16. Насиров А.А. Бошланғич синфларда чет тилидан дарс бераётган ўқитувчиларнинг  
роли ва вазифалари // Ўзбекистонда хорижий тиллар, илмий-методик электрон  
журнал. –Тошкент, 2015. -№ 4. -Б.16-27.
17. Насиров А.А. Халқ таълими тизимида чет тилини ўқитишнинг янги босқичлари//  
Best Practices in teaching Young Learners in Uzbekistan // National Conference  
Proceedings, – Tashkent, Juin 13-14, 2016.
18. Жалолов Ж. Носиров А. ва б. Умумий ўрта таълим мактаблари учун француз тили  
фанидан ўқув дастури. – Тошкент, Халқ таълими илмий-методик журнали, 2013.№ 4.  
–Б.108-144.
19. А.Носиров, С.Мирсагатова, Т.Турдикулов, Д.Азимова. Bonjour la France. 5-синф  
дарслик мажмуаси (Дарслик 120 б, Машқлар тўплами 112 б, Методика 144 б, DVD). –  
Тошкент, Ўқитувчи, 2002, 2003, 2006, 2010, 2012, 2015.



20. Калининкова Н. Г. Непрерывное педагогическое образование как парадигма// Знание. Понимание. Умение, 2005. — №3. — С. 186–189.
21. Константиновский Д. Л. Социально-гуманитарное образование: ориентации, практики, ресурсы совершенствования / [Вознесенская Е.Д., Дымарская О.Я., Чередниченко Г.А.]. — Москва: ЦСП, 2006. — 264 с.
22. Куйсинов О.А., Муслимов Н.А., Уразова М.Б. Формирование профессиональной компетенции будущих учителей посредством применения веб-квест технологии «Научное обозрение: гуманитарные исследования» научный журнал, Москва, Россия, 2014 год. №3. Волгоград. Россия. 2015 год.
23. Куйсинов О.А., Уразова М.Б. О сущности и роли проектировочной деятельности в профессиональном развитии учителя. SCIENCE AND WORLD. International scientific journal. № 5 (21), 2015, Vol.II. Наука и мир. Международный научный журнал, № 5(21),2015, Том 2. Импакт фактор журнала «Наука и мир» - 0,325 (Global Impact Factor 2013, Australia)
24. Kuysinov O.A. Some Aspects of Modular Educational Technologies Forming Professional Competence of Future Teachers Eastern European Scientific Journal. - Germany, 2018. №4. P.251-257.
25. Kuysinov O.A. Developing Professional-Pedagogical Creativity of Future Professional Education Teachers based on Competencial Approach. Eastern European Scientific Journal. - Germany, 2018. №4. P.257-263.
26. Kuysinov O.A. Improving the methodologies of raising the effectiveness of continuous education on the basis of ensuring content consistency. «Actual problems of modern science, education and training» Electronic Journal. July, 2021-7/1. ISSN 2181-9750. KHOREZMSCIENCE.UZ. P. 4-8
27. Маслов В.И. Непрерывное образование: подходы к сущности / Маслов В.И., Зволинская Н.Н., Корнилов В.М. // Труды ученых ГЦОЛИФКа: 75 лет: Ежегодник. — М., 1993. — С.102–117.
28. Петряевская Д. Г. Непрерывное образование как условие преодоления кризисов профессионального развития учителя: Автореф. дис... канд. пед. наук. — СПб., 1994. — 24с.

## **“STEAM” ТАЪЛИМИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

*Ў. Қ. Толипов - педагогика фанлари доктори, профессор*

*Низомий номидаги ТДПУ*

*Х. Матякубов- УрДУ "Технологик таълим" кафедраси доцентни*

Республикамизда технология фанини ўқитиш таълим жараёнига илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш орқали такомиллаштирилмоқда, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини, ўқитувчиларнинг касбий методик тайёргарлиги самарадорлигини оширишнинг меъёрий асослари яратилмоқда ҳамда моддий техника базаси барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида «STEAM фанларни ва танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш компетенциялари ва малакаларининг ривожланишига алоҳида урғу бериш, замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган умумтаълим дастурлари ва